

Абдуллох МУХТОРОВ,  
Ўзбекистон халқаро ислом  
академияси магистранти

# КАЛОМ ИЛМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

Мамлакатимиз тараққиёт пиллапоясидан янги чўккилар сари қадам қўяр экан, биз яшаётган замон суръатлари шиддат ила тезлашиб, олдимизда қанча ўзгаришлар содир бўлмасин, ўз маънавиятимизни безавол сақлаш, асраб қолиш даркор. Чунки маънавият қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳаёт олдига қўйиладиган талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади. Дарҳақиқат, ўз ақидамиз тарихини билишлик биз учун жуда зарурдир.

Ислондаги ақидавий йўналишлар сони ва келиб чиқиш сабаблари, калом илми тарихи манбаларда турлича берилган<sup>1</sup>.

Ҳижрий иккинчи асрнинг бошларида муслмонлар орасидаги ақидавий баҳс мунозаралар янги босқичга кўтарилди. Айнан шу асрга келиб, ақидавий масалалар баҳс қилинадиган махсус давралар пайдо бўла бошлади. Шу сабаб бир-биридан фарқли ақидавий қарашлар, турли номлар билан аталадиган фирқалар шакллана борди. Инсонлар бу фирқаларни аҳли суннадагилар ё етакчиларининг исми билан, ё қилаётган

асосий даъволари билан, ё ажралиб турадиган бирор сифатлари билан номлаганлар. Мазкур фирқаларнинг вакиллари хилма-хил эътиқоддаги шахслар бўлиб, уларнинг баъзилари ўзининг бузук эътиқодида ниҳоятда гулувга кетган ва ислондан чиқиб кетишга яқин қолган бўлса, айримлари ислонга бегона бўлган турли фалсафий қарашларга ёпишиб олган эди. Бундай кимсалар эътиқод ҳақидаги сўзларга фалсафий қарашларни аралаштириб юборган бўлиб, тарафлар ўртасида бугун «фалон нарс ҳақидаги калом» номи остида, эртага бошқа бир «фалон нарс ҳақидаги калом» атрофида турли ақидавий баҳс-мунозаралар, қаттиқ тортишувлар борарди.

Шунинг учун ҳам жамият аҳли орасида мазкур кишилар машғул бўлган «калом» билан шуғулланишнинг шаръий ҳукми ҳақидаги саволлар баралла янграй бошлаган. Табиийки, мазкур шахсларнинг ҳолатларидан хабардор аҳли сунна уламолари бундай «калом» билан шуғулланишнинг ҳаромлигини, ундан сақланиш лозим эканини қаттиқ таъкидлаганлар. Мазкур «аҳли каломчилар» ўртасидаги баҳс мунозараларда содир бўлаётган самъий далилларга нисбатан бепарво муносабатда бўлиш, қарши томонни кофирга чиқариш каби ҳолатлар аҳли сунна уламоларининг сўзлари

<sup>1</sup> Айдарбек Тўлипов. Ислон ва ақидапараст оқимлар. – Т.: Шарқ, 2014. – Б. 10.

ҳақ эканини кўрсатиб турарди. Ушбу даврларда аҳли сунна уламолари «калом илми» билан шуғулланишдан қатъи равишда батамом маън қилганлар. Кейинчалик аҳли сунна уламолари «калом илми»нинг хатарли жиҳатларидан огоҳлантириш билан бирга Қуръон ва суннат асосидаги «калом илми» ҳақида ҳам сўз юритганлар. Яъни, энди, «калом илми»ни мутлақо маън қилишдан уни жоиз ва ножоиз турларига ажратишга ўтилган. Бу ҳақида Ғаззолий «Илжамул авам ён илмил калам» номли рисоласида, Ибн Вазийр «Таржийҳу асалийбил Қуръан ʼала асалийбил юнан» номли китобларида баҳс юритганлар<sup>2</sup>.

Калом илмининг маъноси, таърифи ва мақсади нималардан иборат экани борасида бошқа манбаларда ҳам маълумотларни учратиш мумкин.

**Калом** араб тилидан олинган сўз бўлиб, луғатда равон нутқ, жумла, гап, сўз деган маъноларни англатади. Истеълоҳда эса, ислом илоҳиёт илми ҳисобланади. Бу илм тарафдорлари мутакаллимлар дейилади. Калом илми турли диний-сиёсий гуруҳлар хорижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржибийлар ва бошқа фирқалар пайдо бўлиши билан боғлиқ баҳслар жараёнида VIII асрда араб халифалигида вужудга келди ва тараққий топди. Уламолар илми каломнинг таърифида ҳам бир неча хил фикрлар айтганлар. Уларнинг ичида энг қадимги таъриф Абу Наср Форобийга тегишли бўлиб, у: «Калом синоати ила миллатнинг асосчиси айтган чегараланган гап ва ишларга нусрат берилур ва унга хилоф қилган барча сўзларни беҳудага чиқарилур», деган. Яна Разолий қуйидагиларни айтади: «У бир илм бўлиб унинг мақсади аҳли суннанинг ақидасини аҳли бидъатнинг ташвишидан муҳофаза қилиш ва қўриқлашдир. Аллоҳ таоло Ўз бандаларига Ўз пайғамбари тилида ҳақ ақидани илқо қилди. Унда уларнинг дини ва дунёсининг салоҳи бордир. Шунингдек, у ҳақида Қуръон ва хабарлар нутқ қилди. Сўнгра шайтонлар ўз васвасаси ила бидъатчиларга суннатга хилоф ишларни илқо қилди. Улар ўша ишларни гапирдилар ва аҳди ҳақнинг

ақидасини бузмоқчи бўлдилар. Бас, Аллоҳ бир тоифа мутакаллимларни пайдо қилди ва уларнинг ҳимматини тартибга солинган калом ила суннатнинг нусрати йўлида ҳаракатга солди. Шу орқали, аҳли бидъатнинг суннатга хилоф равишда чиқарган алдамчиликлари фош қилинади. Ана шундай илми калом пайдо бўлди». Кейинги асрларнинг машҳур мусулмон уламолари илми калом ҳақида ўз замонлари ва билимларига қараб, турлича фикр билдирганлар. Масалан, Имом Абу Ҳанифа илми калом борасида «ал-Фикҳул Акбар» номли асар ёзган ва «диндаги фикҳ илмдаги фикҳдан афзалдир. Чунки, диндаги фикҳ аслдир. Илмдаги фикҳ фаръдир. Асл фаръдан афзаллиги маълумдир» деган<sup>3</sup>.

Имомул Ҳарамайн, Ҳулаймий, Байҳақий, Ғаззолий, Нававий ва Ибн Асокир каби уламолар бу илмни ўрганиш фарзи кифоя бўлишини айтганлари ривоят қилинган. Абул Ҳасан Ашъарий (р.а.) ушбу масалага бағишлаб, «Истиҳсанул ховзи фи илмил калам» номли асарларида «калом илми»га қарши чиққанларнинг далилларига жавоб берганлар<sup>4</sup>.

**Калом илмининг асосий бош мақсади мукаммал иймонга етишиш ва икки дунё саодатига мушарраф бўлишдир. Мақсадига кўра, илми калом бошқа фанларга нисбатан шарафли фан ҳисобланади. Тўғри, баъзи салафи солиҳлар тарафдан калом илми ҳақида салбий қарашлар билдирилган. Бу аслида илми каломда чуқур кетиб, ақидасида адашиб қолган мутаассиблар туфайли айтилган фикрлардир. Зеро, бу ҳақда Саъд ат-Тафтазоний (р.а.) “Мақосид”нинг шарҳида айтиб ўтган.**

**Асли ҳақиқатда эса калом илми баҳслари ислом қонунлари, китоб, суннат, ижмоя, қиёс ва мантикий қоидалар асосида жорий бўлади. Калом илми мана шу шаръий манбаларга мувофиқ фандир. Шунингдек, калом илми динимизда ҳужжат-далилга эҳтиёжсиз, мантиқан зарурий маълум бўлган назарияларга ҳам тўла мос келади. Масалан,**

<sup>3</sup> Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 103.

<sup>4</sup> Абдулқодир Абдур Раҳим. Ўтиқод дурдоналари. – Т.: Мовароуннахр, 2012. – Б. 33.

<sup>2</sup> Абдулқодир Абдур Раҳим. Ўтиқод дурдоналари. – Т.: Мовароуннахр, 2012. – Б. 35.

**коинотнинг абадий эмаслиги, бир кун келиб йўқликка юз тутиши каби масалалар<sup>5</sup>.**

Калом илми пайдо бўлган вақтга келиб, ақидага оид масалаларга аввалги вақтларга ўхшаб, фақат, Куръон ва суннатдан далил келтириш билан кифояланиб бўлмай қолган эди. Қарши тараф ақлий далил ҳам келтиришни талаб қилар, шу боис ҳам ушбу илмга хос услуб ва мавзулар мажмуи биринчи бор ал-Жаъд ибн Дирхам<sup>6</sup> томонидан ишлаб чиқилди. У доимо ақл-идрокка таяниш талабини илгари сурди ва фақат инсон салоҳияти ожизлик қилган ҳоллардагина Куръон оятларини рамзий-мажозий маънода талқин қилиш мумкин, деб ҳисоблади. Унинг шогирди Жаҳм ибн Сафвон<sup>7</sup> устозининг ғоясини давом эттирди. Жаҳмнинг қарашлари муътазилийларга яқин бўлгани боис, одатда, бу икки таълимотни бир-бирдан фарқламайдилар балки, қарашлари муштарак деб айтадилар. Муътазилийларнинг калом илмига доир қарашлари IX асрнинг биринчи ярмига келиб раванқ топди. Маълум вақтгача суннийликда муътазилийларнинг фалсафий далилларига қарши курашда ғоявий қурол ролини ўйнаши мумкин бўлган ақоидлар тизими мавжуд эмас эди, балки уларга қарши фақат Куръон ҳамда ҳадислардан далил келтириш билан чекланиларди. Айнан муътазилийларнинг мантикий-фалсафий исботлаш услублари ҳақиқий ислом йўли шаклланишига бевосита таъсир кўрсатди, – десак муболаға бўлмайди. Бундай тизим милодий X асрга келиб ишлаб чиқилди. Бундай катта ишни калом ақидапарастларини муросага келтиришни ўз олдида мақсад қилиб қўйган ал-Ашъарий<sup>8</sup> ва ал-Мотуридий<sup>9</sup> амалга оширдилар. Натижада калом илмининг ашъарий ва мотуридийлик мактаби вужудга келди.

Имом Молик, Аҳмад ибн Ҳанбал, Жалолиддин Суютий ва Ибн Абдул Баррлар ҳам бу илм ҳақида аввал салбий фикрда бўлганлар. Имом Абул Ҳасан ал-Ашъарий эса илми

каломни мадҳ этиб китоб ёзган. Имом Ғазолий калом илми борасида яхши фикрлари ҳам, салбий фикрлари ҳам борлигини таъкидлаб, у билан фақат мутахассис олимлар машғул бўлиши кераклигини уқтирган<sup>10</sup>. Бу фикрларни тадқиқ қилиб ўрганган олимлар, илми каломни, хусусан, ундаги адашувларни танқид қилганлар. Уни мадҳ қилганлар эса, фойдали тарафларини эътиборга олганлар. Шунинг учун унинг ижобий тарафларидан кўп нарсани ўрганса бўлади, дейдилар. Боқиллоний (1013 й.), ал-Жувайний (1085 й.), аш-Шаҳристоний (1153 й.) ва ар-Розий (1209 й.)лар ашъарийлик мактабининг йирик намоёндаларидир. Мотуридийлик ҳанафийлик доираларида кўплаб тарафдорларга эга бўлди ва хусусан, Мовароуннаҳр мусулмонларининг асосий ақидасига айланди. XIII дан калом илми Ибн Сино асос солган шарқ фалсафаси билан яқинлаша бошлади. Натижада, Ибн Халдун таъбири билан айтганда, калом ва фалсафани бир бирдан ажратиш мушкул бўлиб қолди. Бу ҳол Байдовий (1286 й.), Исфажоний (1349 й.), Ижий (1355 й.), Тафтазоний (1390 й.), Журжоний (1413 й.)лар ижодида ўз ифодасини топди. Янги ва энг янги даврларда Жамолиддин Афғоний, Муҳаммад Абду, Аҳмад Амин, Ҳасан Ҳанафий каби мусулмон ислохотчиларининг асарларида калом ва айниқса, муътазилийлар ғоялари мафкуравий асос вазифасини бажариб келди. Вақт ўтиши билан ислом оламида фақат аҳли сунна вал-жамоанинг илми калом бўйича таълимотлари ҳукм сурадиган бўлди. Фалсафа ва бошқа фикрий мазҳаблар чиққанидан кейин илми калом истилоҳининг ўзи ҳам истеъмолдан чиқиб кетди.

Хулоса қилиб айтганда, улуғ мужтаҳид уламолар бидъатчиларнинг «калом илми»дан қайтаришган, Куръон ва суннат асосидаги «калом илми»ни эса, ўрганиш зарурлигини ўзлари бу ҳақида асарлар ёзиб тушунтирганлар. Зеро, Аллоҳ таоло ўзининг каломида: “Барчангиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг ва бўлиниб кетманг”<sup>11</sup>, деб марҳамат қилади<sup>12</sup>.

<sup>5</sup> Абулмуъин ан-Насафий. Баҳр ул-калом. – Б: 48 – 49.

<sup>6</sup> Милодий 742 йилда қатл этилган.

<sup>7</sup> Милодий 745 йилда қатл этилган.

<sup>8</sup> Ашъарийга таълимоти асосчиси. 873 – 935 йилларда яшаган.

<sup>9</sup> Мотуридий таълимоти асосчиси. 870 – 944 йилларда яшаган.

<sup>10</sup> Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти. – Б.105.

<sup>11</sup> Оли Имрон, 103 оят.

<sup>12</sup> Шайх Абдулазиз Мансур. Куръони карим ва маънолари таржимаси. – Т.: Тошкент ислом институти. – Б.63.